

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ҚАРОРИ**Бухоро вилоятидаги бозорлар ва савдо комплексларида ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар миқдорларини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги “Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1326-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 17-сон, 131-модда) ҳамда 2014 йилнинг 8 январидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2551-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 30 декабрдаги 116 ва 2013-46-сонли “Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 2-сон, 27-модда) қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоятдаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (М.Пардаев) ҳамда бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш вилоят бўлими (Б.Мухамедов) вилоятдаги барча бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари, кўрсатиладиган хизматлар тўловларининг тўғри ва тўлиқ ундирилиши ҳамда тегишли қисмини маҳаллий бюджетга ўз вақтида ўтказилиши устидан доимий назорат олиб бориш топширилсин.

3. Вилоят ҳокимининг 2013 йил 24 январдаги “Вилоятдаги бозорлар ва савдо комплексларида ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги 34-сонли қарори (3-бандидан ташқари) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида эълон қилинсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят
ҳокимининг ўринбосари Ҳ.Ғойиров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими в.б.

М.Эсанов